

**АКАДЕМИК В. ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ХИРУРГИЯ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ТЎХТАМИШЕВ МУЗАФФАР ХИКМАТХЎЖА ЎҒЛИ

**ПРОСТАТА БЕЗИ САРАТОННИ ЭРТА ТАШХИСЛАШДА
ТРАНСРЕКТАЛ БИОПСИЯГА КЎРСАТМАЛАРНИ ВА УСЛУБНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.31 – Урология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)

Тўхтамишев Музаффар Хикматхўжа ўғли

Простата бези саратонини эрта ташхислашда трансректал
биопсияга кўрсатмаларни ва услубни такомиллаштириш 3

Тухтамишев Музаффар Хикматхужа угли

Совершенствование показаний и метода трансректальной биопсии
для ранней диагностики рака предстательной железы..... 21

Tukhtamishev Muzaffar

Improvement of indications and method of transrectal biopsy for early
diagnosis of prostate cancer..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**АКАДЕМИК В. ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ХИРУРГИЯ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ТЎХТАМИШЕВ МУЗАФФАР ХИКМАТХЎЖА ЎҒЛИ

**ПРОСТАТА БЕЗИ САРАТОННИ ЭРТА ТАШХИСЛАШДА
ТРАНСРЕКТАЛ БИОПСИЯГА КЎРСАТМАЛАРНИ ВА УСЛУБНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.31 – Урология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси №В2019.2.PhD/Tib1004 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.rscs.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим портали (www.ziyonet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Гиясов Шухрат Искандарович тиббиёт фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	Тилляшайхов Мирзаголиб Нигматович тиббиёт фанлари доктори, профессор Гайбуллаев Асилбек Асадович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Бунданг Чесенг клиникаси (Корея Республикаси)

Диссертация ҳимояси академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази хузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 рақамли Илмий кенгаш асосида бир марталик Илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru, Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази).

Докторлик диссертацияси билан академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий хирургия тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (126-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент ш., Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил “__” _____ даги ____-рақамли реестр баённомаси).

Ф.Г. Назиров

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

А.Х. Бабаджанов

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.В. Девятков

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясига аннотация)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, «простата беzi саратони (ПБС) эркакларда энг кенг тарқалган ёмон сифатли ўсмалардан бири ҳисобланади, барча ташхисланган саратон касалликларининг 15 фоизини, 30 ёшгача бўлганларда 5% ни ташкил қилади ва 79 ёшдан катталарда 59% (48-71%) тарқалиши билан, ўн йилликда 1,7 эҳтимоллик коэффициенти билан ортиб бормоқда ва ўлим кўрсаткичлари бўйича ўпка саратонидан кейинги иккинчи ўринда туради (2018 йилда 1,28 млн ўлим ҳолати)»¹. Башоратларга кўра 2030 йилга келиб Европада ПБС янги ҳолатларининг учраши 436 000 дан (2012 йил маълумотлари бўйича) 590 000 гача ортади, ўлим кўрсаткичи эса 101 000 дан (2012 йил маълумотлари бўйича) 142 500 гача ўсади. Шунингдек, 60-70 ёшдаги 40% эркакларда ПБС клиник кечишининг ўзига хослиги туфайли аниқ симптоматика кузатилмайди ёки ирритатив ва/ёки обструктив хусусиятга эга белгилар кузатилиши аниқланган, бу ҳолатлар кўпинча простата безининг хавфсиз гиперплазиясида ва жинсий аъзоларнинг яллиғланиш касалликларида учрайди. Шунга кўра, ПБС билан касалланган беморларни даволаш натижаларини яхшилашда, метастатик жараённинг хавфини, ўлим ҳолати ва ижтимоий молиявий оқибатлар даражасини камайтиришда касаллик ривожланишининг эрта босқичларида касалликни ташхислаш катта аҳамият касб этади.

Жаҳон амалиётида ҳозирги вақтда ПБС нинг соҳавий анатомияси ва келиб чиқишини аниқловчи янги технологияларни, простата беzi периферик соҳасининг тизимли биопсияси учун муқобил схемаларни, шунингдек, касалликнинг яхши ёки ёмон сифатли эканлигини аниқлаш имкониятига йўналтирилган башорат тизимларини ишлаб чиқишга қаратилган бир қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Биологик маркерларнинг ўрни ва аҳамиятини, уларнинг таснифланишини, шу билан бирга, ПБС ни даволаш самарадолиги мезонларини аниқлашда қўлланиладиган рақамли рейтинг ва визуал аналогли шкалаларни ўрганиш давом этмоқда. Простата безининг трансректал биопсияси муолажасини ўтказишда оғриқсизлантиришнинг сифати ва самарадорлигини ошириш ҳамда усулини танлашда муҳим бўлган аъзонинг периферик, вегетатив ва сенсор иннервацияси хусусиятларини ўрганиш масалалари айниқса долзарбдир.

Ҳозирги вақтда аҳолини ижтимоий химоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш бўйича кенг қамровли ишлар давом этмоқда. Клиник урологияда, хусусан, ПБСнинг ташхислаш усулларини такомиллаштиришда ижобий натижаларга эришилган. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида аҳолининг заиф гуруҳларининг тўлақонли ҳаёт кечиришини таъминлаш мақсадида тиббий-

¹ WHO. Global Initiative for Cancer Registry Development. International Agency for Research on Cancer. Lyon: France. 2019. <http://gicr.iarc.fr/en/>

ижтимоий ёрдам тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш вазифалари белгиланган². Ушбу вазифаларни амалга ошириш, шунингдек, простата безининг трансектал биопсияси усулини такомиллаштириш йўли билан ПБС ривожланишининг эрта босқичларида ташхислаш сифатини яхшилаш долзарб йўналишлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 6 мартдаги ВМ-130 сон «Ўзбекистон Республикасининг урологик ва гемодиализ ёрдами кўрсатувчи тиббиёт муассасаларини жиҳозлаш лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда ушбу йўналишда қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада ҳизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунда простата беги биопсияси муолажаси билан боғлиқ бўлган потенциал асоратларни башоратлаш ва етарли миқдорда материал олиш зарурати билан простата беги биопсияси технологиясини такомиллаштириш жадал кечмоқда. P.V.Glybochko ва ҳаммуал. (2019) маълумотларига кўра «простата безининг гистосканерлаш усули (HistoScanning) ПБС ни эрта босқичларда аниқлаш имконини беради ва юқори сезувчанлик ва спецификликни намойиш қилади, бироқ, ушбу усул ПБС ташхислашда олтин стандарт ҳисобланган стандарт тизимли трансектал биопсияга қўшимча усул сифатида хизмат қилиши лозим»³. N.Soga ва ҳаммуал. тадқиқотлари маълумотларига кўра (2015) «клиник жиҳатдан намоён бўлиши чегараланган холларда, аҳамиятга эга бўлган саратонни излаш аниқлигини ва аниқланиш ҳолатлари сонини оширишда простата безининг ўрта чизиғи периферик қисмидан биопсия олиш энг мақбул ва қулай усул ҳисобланади»⁴. Проспектив кўп марказли қиёсий тадқиқот натижалари асосида, M. van der Leest ва ҳаммуал. (2019) илгари биопсия ўтказилмаган ва простатик специфик антиген (ПСА) миқдори 3 нг/мл дан юқори бўлган эркакларда трансектал ультратовуш текшируви (ТРУТТ) назорати остида

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947 сон Фармони, ЎзР Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил.

³ Glybochko PV, Alyaev YG, Amosov AV, Krupinov GE, Nir D, Winkler M, Ganzha TM. Evaluation of Prostate HistoScanning as a Method for Targeted Biopsy in Routine Practice. Eur Urol Focus. 2019 Mar;5(2):179-185.

⁴ Soga N et al. Additional Midline Biopsies of the Peripheral Zone Associated with the First Endorectal Standard Sextant Pattern Improves the Accuracy of Prostate Cancer Detection. Curr Urol. 2015;8(2):74-78.

систематик 12–нуқтадан биопсия ўтказишни тавсия этадилар.⁵ Шу билан бирга, ProBE-PC (Prostate Biopsy: Efficacy and Complications) тадқиқотлари геморрагик ва инфекция асоратларнинг юқори даражасини, клиник жиҳатдан ахамиятли бўлган простата беши саратони ташхисининг ўтказиб юборилишини, сохта манфий натижаларнинг (40% гача ҳолатларда) юқори кўрсаткичини ҳамда хатар омилларини аниқлашда хатолар кузатилиши хисобига ПБС нинг тахмин қилинган қуйи хатари сабабли фаол кузатувга олинган эркакларни даволашда муваффақиятсизликка олиб келишини кўрсатган⁶. Шу муносабат билан, тадқиқотчилар олдида биопсия амалиётини бажаришга ҳамда кўрсатмалардаги ноаниқликларга оид кўплаб ҳал қилинмаган масалалар пайдо бўлмоқда.

ПБС мавжуд беморларни олиб бориш стратегиясини ўзгартиришга бездаги жараённинг яхши ёки ёмон сифатлилигини аниқлаш имкониятини берувчи ПСА ни аниқлаш тести муҳим хисса қўшди (сезгирлик 72,1%, спецификлик 93,2%)⁷. Бундан ташқари, ПБСни даволаш самарадорлиги ва касаллик башорати мезонлари сифатида ПСА миқдорининг динамик таҳлили кенг қўлланилади. Шунингдек бугунги кунда, простати безининг клиник ахамиятли саратонини аниқлашни янада яхшилашда мультипараметрик магнит-резонанс томографиянинг (мп-МРТ) ўрни бекиёсдир. Простата безининг МРТ бўйича мутахассисларининг халқаро ишчи гуруҳи ва урогенитал радиологиянинг Европа жамияти (ESUR) томонидан простата безининг МРТ натижаларини таҳлил қилишнинг асосий мезонлари – аъзонинг анатомик-гистологик тузилишига асосланган ва режалаштирилган таргет биопсия учун визуал ёрдамни таъминлаш ва патологик тизимли ўзгаришларни маҳаллий кўриш имконини берувчи PI-RADS-v.2 концепцияси нашр этилган⁸. Кўп сонли бир ва кўп марказли рандомизацияланган тадқиқотлар натижасида, ТРУТТ дан кўра мп-МРТ ва МР йўналтирилган биопсиянинг (MRGB) устунлигини тасдиқланган. Бироқ, ҳозирги вақтда мп-МРТ ни кейинги биопсияларни ўтказиш бўйича муаммони ҳал этишда мустақил восита сифатида ишлатиш тавсия этилмайди, келгусида кўрсатиладиган тиббий ёрдам тактикаси эса фаол кузатувни бошлашда фойдаланиладиган мезонларнинг ёмонлашувига (яъни касалликнинг оғирлашишига) асосланган бўлиши керак⁹.

ПБС ни эрта ташхисоти ва скринингининг асосий жиҳатларига оид адабиётлар таҳлили ўрганилаётган муаммо кўплаб муваффақиятли ҳал қилинган, қисман зиддиятли ва ҳал қилинмаган саволларга эғалигидан,

⁵ van der Leest M, Cornel E, Israël B, Hendriks R, et al. Head-to-head Comparison of Transrectal Ultrasound-guided Prostate Biopsy Versus Multiparametric Prostate Resonance Imaging with Subsequent Magnetic Resonance-guided Biopsy in Biopsy-naïve Men with Elevated Prostate-specific Antigen: A Large Prospective Multicenter Clinical Study. *Eur Urol.* 2019;75(4):570-578.

⁶ Prostate Biopsy: Efficacy and Complications (ProBE-PC). <https://clinicaltrials.gov/ct2/show/NCT04081636>

⁷ Martin RM, Donovan JL, Turner EL, et al. Effect of a low-intensity PSA-based screening intervention on prostate cancer mortality: the CAP randomized clinical trial. *Jama* 2018;319:883-95.

⁸ Weinreb J.C., Barentsz J.O., Choyke P.L., et al. PI-RADS Prostate Imaging - Reporting and Data System: 2015, Version 2. *European Urology.* 2016. 69(1):16-40.

⁹ Borkowetz A, et al. Prospective comparison of transperineal magnetic resonance imaging/ultrasonography fusion biopsy and transrectal systematic biopsy in biopsy-naive patients. *BJU Int.* 2018;121:53-60

простата беги биопсиясини бажариш учун аниқ, якуний ва ишончли кўрсатмаларнинг йўқлигидан, шунингдек, беморларни хавф гурухларига ажратиш имконияти натижасида мужассамлашган тизимли ва таргет биопсиянинг дастурий-техник технологияларини келгусида такомиллаштиришда муҳим ўрин тутувчи хавфсиз, шу билан бирга юқори информатив амалиётни бажариш мезонларини аниқлаштириш мавжуд эмаслигидан далолат беради. Юқорида таъкидланган масалаларнинг барчаси ушбу йўналишда илмий изланишларни давом эттириш заруриятини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ПЗ-201709076-сонли «Замонавий кам инвазив технологиялардан фойдаланган холда энг кенг тарқалган урологик касалликларни ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш» лойихаси доирасида бажарилган (2018-2020 й.).

Тадқиқотнинг мақсади биопсияни бажаришга мақбул кўрсатмаларни ишлаб чиқиш орқали простата беги саратонини эрта ташхислаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

беморнинг ёши, простата безининг ҳажми ва умумий простатик специфик антиген даражасини ҳисобга олган холда простата безининг трансректал тизимли биопсияси натижаларини таҳлил қилиш;

простата беги саратонини ташхислашда бармоқли ва ультратовушли ректал текширувнинг ўрни ва аҳамиятини баҳолаш;

простата беги саратони хавфини ва простата безининг тизимли ҳамда таргет биопсиясини биргаликда (мужассамлашган) амалга ошириш кўрсатмаларини аниқлашда простата беги мп-МРТсининг ўрни ва аҳамиятини баҳолаш;

простата безининг трансректал биопсиясини ўтказишга мақбул кўрсатмаларни аниқлаш;

гель ва анестетик ёрдамида маҳаллий анестезия, перипростатик блокада ҳамда мужассамлашган анестезия асносида простата безининг трансректал биопсиясини амалга ошириш хавфсизлигини ва оғриқсизлантириш самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2016-2020 йиллар давомида Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт марказида простата беги саратонига шубҳа қилиниб текширувдан ўтказилган 259 нафар беморлар ҳизмат қилган.

Тадқиқотнинг предмети “тизимли биопсия”, “тизимли ҳамда таргет биопсиянинг биргаликда қўлланилиши” нинг морфологик натижаларини баҳолаган холда клиник, лаборатор ва нур ташхисоти текшириш усуллари, шунингдек, простата беги саратонига шубҳа қилинган беморларда ўтказилган

махаллий оғриқсизлантиришнинг турли усуллари самарадорлиги натижаларини таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш учун умумклиник (умумий простатик специфик антигенни аниқлаган холда умумий қон ва сийдик таҳлили), бактериологик, нур ташхисот (УТТ, простата безининг мп-МРТ) ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

простата беzi саратони ташхисини қўйишда трансректал бармоқ билан ва ультратовушли текширув натижалари биопсия маълумотлари билан юқори даражада мос келиши, аммо қон зардобида простатик специфик антиген миқдори 20 нг/мл дан кам бўлганда, касалликнинг эрта ташхисланишига хисса қўшмаслиги исботланган;

простататик специфик антигеннинг 20 нг/мл гача бўлган даражасида PI-RADS-v.2 ягона тизими бўйича якуний тоифаларнинг ва хатар даражаларининг ажратилиши, патологик жараённинг жойлашган жойини белгилаш ва режалаштирилаётган биопсияни амалга ошириш бўйича ўтказиладиган простата безининг мультипараметрик магнит-резонанс томографиясининг ахборотлилигини оширишга ёрдам бериши аниқланган;

PI-RADS-v.2 тизимининг тоифаси ва простатик специфик антигеннинг миқдorigа боғлиқ холда сохта манфий натижалар эҳтимоллик даражасини аниқлаш билан простата безининг мультифокал трансректал биопсиясининг сезгирлиги ва спецификлиги кўрсаткичлари ўзгаришларининг патогномоник хусусиятларига аниқлик киритилган;

простата безининг мультифокал трансректал биопсиясини ўтказиш учун анал канали шиллиқ қаватининг махаллий анестезияси ҳамда простата безининг асоси ва чўққи соҳасини перипростатик блокадасини бирга қўллаш йўли билан оғриқсизлантириш усули такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

простата беzi саратони шубҳа қилинган эркакларда, аъзонинг анатомик хусусиятларини, патологик тузилмавий ўзгаришларнинг жойлашувини, тарқалганлиги ва намоён бўлиш даражасини баҳолаш билан бирга, мультипараметрик магнит-резонанс томографиянинг диагностик имкониятлари ва қулайликлари аниқланган;

қон зардобидаги простатик специфик антиген даражасини баҳолашга, PI-RADS-v.2 тизими бўйича хавф даражаси аниқлангани холда простата безини бармоқ билан ректал текшируви, трансректал ультратовуш текшируви ва мультипараметрик магнит-резонанс томографияси маълумотларига асосланган тарзда простата безининг мультифокал трансректал биопсиясига кўрсатмаларни аниқлашга комплекс ёндашув ишлаб чиқилган;

қон зардобидаги простатик специфик антиген миқдорини ва простата безининг мультипараметрик магнит-резонанс томографиясини ўтказиш орқали аниқланадиган PI-RADS-v.2 ягона тизими бўйича хавф даражасини баҳолаш, простата беzi саратони шубҳа қилинган эркакларда диагностик текширув натижаларини такомиллаштириши, гипердиагностикани олдини

олиши ва простата безининг мультифокал биопсиясига боғлиқ бўлган асоратларнинг ривожланиш хавфини камайтириши кўрсатилган;

простата безининг трансректал мультифокал биопсияси олдидан оғрик хисларини ва шиллиқ қаватларнинг травматизацияси хавфини бутунлай бартараф этиш, ташхисот босқичида беморларни ушбу муолажага чидамлилигини ҳамда хаёг сифатини яхшилаш имконини берувчи самарали оғриксизлантириш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги амалиётда кенг қўлланилувчи замонавий клиник, лаборатор ва инструментал текширув усуллари билан тасдиқланган, барча олинган маълумотлар ва хулосалар эса далилларга асосланган тиббиёт тамойилларига асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган маълумотлар назарий аҳамиятга эга бўлиб, мультифокал трансректал биопсиянинг сезгирлик ва спецификлик кўрсаткичларини аниқлаш, патологик жараён жойлашуви ва сохта манфий натижалар эҳтимоллик даражасини аниқлаш жиҳатидан PI-RADS-v.2 бўйича хавф даражаси билан простатик специфик антигеннинг қондаги миқдори ўртасида корреляцияни ўрнатиш орқали ПБС нинг эрта ташхислаш сифатини яхшилашга муҳим ҳисса қўшади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, ўтказилган таҳлил ПБС га шубҳа қилинганда патологик тузилмавий ўзгаришларнинг анатомик хусусиятлари, жойлашуви, тарқалганлиги ва яққоллилик даражасини аниқлаш билан бирга, мультифокал трансректал биопсияга кўрсатмаларни аниқлашда комплекс ёндашувни ишлаб чиқиш ва муолажадан аввал мужассамлашган оғриксизлантиришнинг техник жиҳатларини такомиллаштиришда простата безининг мп-МРТ сини ўтказишнинг мақсадга мувофиқчилиги ва клиник аҳамиятини асослаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Простата беги саратонига шубҳа қилинган беморларни олиб боришда қиёсий ташхисот сифатини яхшилаш ва тактик жиҳатларини мақбуллаштириш бўйича бажарилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

«Простата безининг «трансректал систематик» ва «систематик билан бирга таргет» биопсиясини бажариш усули» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 16 мартдаги 8н-3/52-сон маълумотномаси). Таклиф этилган тавсиялар простата безининг мультифокал трансректал биопсиясининг тактик ва техник жиҳатларини такомиллаштиришга ва простата беги саратонини эрта ташхислашнинг асосий талабларига мувофиқлигини таъминлашга имкон берган;

«Простата безининг трансректал мультифокал биопсияси олдидан самарали оғриксизлантириш усули» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 16 мартдаги 8н-3/52-сон маълумотномаси). Простата безининг асоси ва чўққи соҳасини перипростатик блокадаси билан бирга анал канали шиллиқ қаватини мужассамлашган

анестезияси усулини такомиллаштириш бўйича таклиф этилган тавсиялар трансректал биопсиянинг хавфсизлиги ва самарадорлигини таъминлаш, ташхисот вақтида оғриқ хисларини камайтириш ва беморлар хаёт сифатини ошириш имконини берган;

простата бези саратонини эрта ташхислаш сифатини яхшилаш бўйича олинган илмий натижалар амалий соғлиқни сақлаш фаолиятига, хусусан, «Республика ихтисослашган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази» ДМ, 1-сон шаҳар клиник шифохонасининг урология бўлими ва Тиббий ходимлар касбий малакасини ривожлантириш марказининг урология кафедраси амалий фаолиятига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 16 мартдаги 8н-3/52-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши мультипараметрик магнит-резонанс томография натижалари, қон зардобдаги простатик махсус антиген миқдори ва трансректал ультратовуш текширув натижалари асосида мультифокал трансректал биопсияни бажаришга мақбул кўрсатмаларни ишлаб чиқиш ҳисобига, усулнинг ахборотлилигини 35,3% дан 75% гача ошириш, қайта биопсиялар ва муолажа билан боғлиқ бўлган ножўя инфекция-яллиғланишли асоратлар сонини камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий конференцияларда, жумладан, 4 та халқаро ва 1 та республика анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 12 та илмий ишлар чоп этилган, шу жумладан, 4 та мақола, шулардан, 2 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси ОАК томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 та боб, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 91 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги ва илмий-амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг апробацияси ва чоп этилган илмий ишлар, диссертациянинг ҳажми ва таркиби тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида **«Простата бези саратонини ўз вақтида ташхислашда трансректал биопсияга кўрсатмаларни ва услубни такомиллаштириш»** адабиётлар шарҳи келтирилган. Унда простата бези саратонининг эпидемиологияси, ташхисот усулларига оид замонавий маълумотлар таҳлил қилинган. Турли оғриқсизлантириш усуллари ва ПБ биопсияси амалиётини бажариш усуллари келтирилган ҳамда уларнинг қониқарсиз натижаларининг сабаблари, биопсияга кўрсатмалар бўйича муаммоли масалалар очиб берилган.

Диссертациянинг «Тадқиқот материалининг клиник тавсифи ва фойдаланилган текширув усуллари» номли иккинчи бобида клиник материалнинг умумий тавсифини белгиловчи тадқиқот материали ва усуллари келтирилган. Простата безининг “трансректал систематик” ва “систематик билан бирга таргет” биопсиясини бажариш техникаси, шунингдек, анал канали шиллиқ қаватининг маҳаллий анестезияси ва ПБ асоси ва чўққи соҳасининг перипростатик блокадаси усуллари батафсил баён қилинган.

Проспектив равишда, 2016-2020 йиллар мобайнида пастки сийдик йўллари симптомлари бўйича “РИУИАТМ” ДМ га мурожаат қилган 259 нафар эркакларнинг простата беzi бирламчи мультифокал биопсияси (core) натижалари ўрганилган.

ПБ биопсияси натижаларини қиёслаш учун, тадқиқотни бажариш усулидан ва тадқиқот учун материал (йиғиш) миқдоридан келиб чиққан ҳолда, беморлар 2 гуруҳга ажратилган. Биринчи гуруҳга 189 нафар бемор киритилган бўлиб, тўлиқ клиник текширувдан сўнг, ПБС га шубҳа аниқланганлиги туфайли (умумий ПСА ортиши ва/ёки БРТ ёки ТРУТТ маълумотлари бўйича ўчоқли ўзгаришларнинг мавжудлиги) простата безининг 10-12 жойидан бирламчи мультифокал - систематик (core) биопсия ўтказилган. Беморларнинг ёши $68,54 \pm 0,54$ (йил) ни, простата безининг ҳажми $72,36 \pm 2,29$ (куб.см) ни, қон зардобидаги умумий ПСА миқдори 1,4 - 893,5 (ng/ml) диапазонда ўртача $75,21 \pm 9,88$ (ng/ml)ни ташкил этди.

Иккинчи гуруҳга 70 нафар бемор киритилган бўлиб, уларга кўрсатиб ўтилган стандарт текширувлардан ташқари, биопсияга кўрсатмалар аниқлангандан кейин, олдиндан Philips Ingenia 1.5 Tesla аппаратида простата безининг мультипараметрик магнит-резонанс томографияси (мп-МРТ) бажарилган, олинган маълумотлар PIRADS-v.2 (Prostate imaging reporting and data system) шкаласи бўйича баҳоланган, сўнгра ПБ систематик биопсияси билан бирга таргет биопсияси ўтказилган (2-4 нуқталардан қўшимча материал олиш). Ушбу гуруҳдаги беморларнинг ёши $67,1 \pm 1,01$ ни (47-88), без ҳажми $66,6 \pm 3,66$ куб.см. ни, ПСА миқдори $80,65 \pm 16,61$ ng/ml ни (2,5 – 638,0) ташкил этди.


Оғриқсизлантиришнинг турли усуллари самарадорлигини қиёсий баҳолаш мақсадида беморлар 3 гуруҳга ажратилган. I гуруҳга 50 нафар бемор киритилган бўлиб, уларда простата беziда мультифокал биопсия ўтказишдан 5-10 дақиқа аввал тўғри ичак анал канали шиллиқ қаватининг маҳаллий анестезияси ўтказилган. II гуруҳга 50 нафар беморлар киритилган бўлиб, уларда трансректал УТТ назорати остида ПБ нинг асоси ва чўққи соҳасига лидокаиннинг 2%-10 мл эритмасини юбориш орқали перипростатик блокада ўтказилган. Анестетик ҳар бир соҳага 2-томонлама, битта киритиш орқали юборилган. III гуруҳга 159 нафар бемор киритилган бўлиб, уларда мужассамлашган анестезия, яъни тўғри ичак анал канали шиллиқ қаватининг ҳам маҳаллий анестезияси, ҳам перипростатик блокадаси ўтказилган.

Биопсия амалиёти вақтида беморларда оғриқ хисларини объектив баҳолаш, оғриқни баҳолашнинг рақамли рейтингли шкаласи (РРШ) ёрдамида амалиёт вақтида, 1 ва 2 соатдан кейин ўтказилган.

Материалнинг статистик қайта ишлови MS Office Excel 2007, StatSoft Statistica 8.0 дастурлари ёрдамида, Стъудент-Фишер мезонларидан фойдаланган ҳолда бажарилган. Тафовутлар $p < 0,05$ да статистик жиҳатдан аҳамиятли ҳисобланди.

Диссертациянинг учинчи бобида «**Тадқиқотлар натижалари ва уларни таҳлил қилиш**» тадқиқотнинг асосий натижалари келтирилган.

I гуруҳдаги беморларда бажарилган ПБ нинг трансректал систематик биопсиясининг морфологик натижалари таҳлили ўтказилган. Биопсия натижаларига кўра 124 (65,6%) кузатувларда аденокарцинома аниқланган. Биопсия натижаларининг эркаклар ёшига кўра таҳлили (1-расм), биопсия ўтказилган 59 ёшгача эркаклар орасида ПБС 37,9% аниқланганини, касалликнинг аниқланиш частотаси 60-69 ёшли эркакларда ортиб деярли 60% га етишини, 70-79 ёшда – 73,1% ҳамда 80 ёшдан катталарда бу кўрсаткич 87% ни ташкил этишини кўрсатган.




1-расм. Турли ёш тоифасидаги эркакларда ПБС нинг аниқланиши, n=189


ПБ ҳажмидан келиб чиққан ҳолда биопсия натижалари таҳлил қилинганда, 100% аниқланиш ПБ нинг фақатгина нормал ҳажмида кузатилган (2-расм).

Сўнгра умумий зардоб ПСА турли миқдорларидан келиб чиққан ҳолда, простата беши систематик биопсиясининг морфологик натижалари таҳлили ўтказилган ва қуйидаги натижалар олинган (3-расм).

3-расмда кўрсатилганидек, биопсия манфий натижаларининг энг юқори улуши ПСА миқдори 10 нг/мл гача бўлганларда ҳам, ПСА даражаси 10,1-20 нг/мл оралиғидаги беморларда ҳам кузатилиб, кўрсатиб ўтилган беморлар орасида учраш частотасида ҳам ўхшашлик бўлган. ПСА миқдори 20 нг/мл бўлган беморларда биопсиянинг манфий натижалари умумий улуши (n=51) – 33 (64,7%)ни ташкил этган.



2-расм. ПБ хажмига кўра простата безининг бирламчи биопсияси натижалари (n=189)



3-расм. Умумий ПСА даражасига кўра, простата безининг бирламчи биопсияси натижалари (n=189)

ПСА даражаси 20 нг/мл дан кам бўлган беморлар орасида ПБС паст аниқланишининг бундай манзарасини инобатга олган холда, биринчи гуруҳдаги беморларни (n=189) 2 та катта гуруҳчаларга ажратдик: ПСА даражаси 20 нг/мл дан кам бўлган ва 20,1 нг/мл дан ортиқ бўлган (1-жадвал).

1-жадвал

Биринчи гуруҳ гуруҳчаларидаги беморларнинг ПСА даражасига кўра тавсифи, (n = 189)

Кўрсаткич	Жами n=189	20 нг/мл дан кам n=51	20,1 нг/мл дан ортиқ n=138
Ёш, йиллар	68,54±0,54	67,84±1,02	68,8±0,64
Простата беzi хажми, см ³	72,36±2,29 (51–92)	68,39±3,85 (21–140)	73,80±2,8 (29–197)
ПСА даражаси, нг/мл	75,21±9,88 (1,4–893,5)	13,7±0,48 (1,4–20,0)	97,95±13,07 (20,1–893,5)
Биопсия натижалари			
Аденокарцинома	124 (65,6%)	18 (35,3%)	106 (76,8%)
ПСА даражаси, нг/мл	101,69±14,48 (6,37–893,5)	13,32±0,8 (6,37–19,68)	116,7±16,51 (20,14–893,5)
ПБХГ	65 (34,4%)	33 (64,7%)	32 (23,2%)
ПСА даражаси, нг/мл	24,71±2,06 (1,42–111,3)	13,9±0,60 (1,42–20)	35,8±3,10 (20,66–111,3)

Биринчи жадвалдан кўришиб турибдики, ПСА даражаси 20 нг/мл дан кам бўлган беморлар орасида ПБС аниқланиши паст бўлган – 18 (35,3%) холатларда, ПСА даражаси 20,1 нг/мл дан ортиқ беморлар орасида эса ПБС статистик жиҳатдан кўпроқ – 106 (76,8%) беморларда аниқланган ($p < 0,05$).

Шундай қилиб, ПБС аниқланиш частотаси 47-59 ёшдаги беморлар орасида 37,9% дан 60-69 ёшдаги беморлар орасида 60% гача кескин ортган ҳамда 80 ёшдан катта эркакларда 87% га етган.

ПБ бирламчи систематик биопсиясини бажаришда, ПБ хажми 67,47±2,79 см.куб. бўлганда ПБС аниқланиши 124 (65,6 %) холатда, безнинг хажми ўсиши билан эса аниқланишнинг камайиши кузатилган. ПСА миқдори 20 нг/мл дан кам бўлган беморлар орасида бу кўрсаткич 18 (35,3%) ни ташкил этган.

ПБС ни ташхислашда простата беzi БРТ ва ТРУТТнинг ўрни ва аҳамиятини баҳолаш ўтказилган.

ПСА даражасига кўра, ПБС аниқланиш частотасини ҳисобга олган холда, хар бир гуруҳчадаги беморларда ПБС ни ташхислашда простата безининг БРТ ва ТРУТТ ўрни ва ахборотлилиги таҳлил қилинди (2-жадвал).

**ПБС ни ташхислашда ПБ биопсияси натижалари ҳамда ТРУТТ ва БРТ
маълумотларининг мослиги**

ПСА даражаси	фақат ТРУТТга мос	фақат БРТга мос	ТРУТТ+БРТ га мос	Умумий ахборотлилик
20 нг/мл дан кам, (n=51)	2 (3,9%)	6 (11,8%)	1 (1,96%)	9 (17,6%)
20,1 нг/мл дан юқори, (n=138)	21(15,2%)	49 (35,50%)	15 (10,86%)	85 (61,6%)

Таҳлилга кўра, ПСА даражаси 20 нг/мл дан кам бўлган аксарият беморларда, ТРУТТ ва БРТ маълумотлари бўйича, простата безида характерли ўзгаришлар аниқланмаган. ПБ кўрсатиб ўтилган текширув усуллари ва биопсия натижалари билан ахборотлилиги ва мослиги таҳлил қилинганда, биринчи гуруҳда иккинчи гуруҳга нисбатан, мосликнинг пастлиги кузатилган (9 (17,6%), мос равишда, 85 (61,6%; $p < 0,001$)).

Балки, шу сабабли, ПСА даражаси 20 нг/мл дан кам бўлган беморлар гуруҳида ПБС аниқланиши жами 35,3% ни (1-жадвал) ташкил этган, ҳамда ўз навбатида, манфий натижалар 64,7% текширилганларда кузатилган. Сохта ва чин-манфий натижали беморларнинг кўплиги, ҳар қандай ҳолатда ҳам, биопсиянинг сифатсиз бажарилганлигидан, яъни етарли миқдорда материал йиғилмаганлигидан ёки биопсияни бажаришга кўрсатмаларни такомиллашмаганидан дарак беради. Ўз навбатида, ушбу беморларнинг бир қисмида кейинчалик кўрсатмалар асосида такрорий травматик биопсия амалиёти ўтказилиши мумкин.


Ушбу бобда простата безининг мужассамлашган биопсиясига кўрсатмаларни аниқлашда простата бези мп-МРТнинг ўрни ва аҳамиятини баҳолаш ўтказилган.

ПБС ни эрта ташхислашда БРТ ва ТРУТТ каби текширув усуллари бундай паст ахборотлилигини инобатга олган ҳолда, биопсияга кўрсатмаларни рационал танлаш учун, иккинчи гуруҳдаги 70 нафар беморда, бирламчи биопсия ўтказилгунга қадар, простата безининг мп-МР томографияси ўтказилган. Ушбу беморларда, PI-RADS v2 бўйича ПБС аниқланган хавфидан келиб чиққан ҳолда, бирламчи трансректал систематик биопсия (10-12 та устунчалар олиш билан) ва мп-МРТ да аниқланган шубҳали сохадан нишонли биопсия (қўшимча равишда 2-4 та устунчалар олиш билан) амалга оширилган.

Ўтказилган таҳлилга кўра, PI-RADS 1лик беморлар мп-МРТ маълумотлари бўйича аниқланмаган. PI-RADS 2 ва 3 га тенг бўлганларда ПБС аниқланиши 20% дан ортмаган, PI-RADS 4 ва 5 га тенг бўлганда, бу кўрсаткич 87,5% ва мос равишда 93,1% ни (ўртача 91,9%) ташкил этган (4-расм).

Шундай қилиб, PI-RADS v2 бўйича 4-5-даражадаги хавфда ПБС аниқланишининг юқори кўрсаткичи «систематик ва таргет биопсия бирга» қўлланганда кузатилган, PI-RADS v2 бўйича 2 ва 3-даражадаги хавфда эса, ПБС

аниқланиши 20,5 ва 14,3%ни ташкил этган. Биопсия натижалари ПСА даражасига ва PI-RADS v.2 бўйича ПБС аниқланиш хавфига кўра таҳлил қилинганда, қуйидаги ҳолат намоён бўлди (3-жадвал). ПСА даражаси 20 нг/мл дан кам бўлган беморларда PI-RADS v2. бўйича 2-хавфда ПБС аниқланмаган, 3-хавфда – аниқланиш 5,26% ни ташкил этган, худди шу тарзда PI-RADS v2. бўйича хавф бир хил бўлган ҳолда ПСА даражаси 20,1 нг/мл дан ортиқ бўлган беморларда ПБС 50,0% ва 33,33% (ўртача - 36,4%) ҳолларда аниқланган (3-жадвал).



4-расм. PI-RADS v2. бўйича хавф даражасига кўра, простатанинг бирламчи «систематик ва таргет биопсиясининг бирга қўллаш» натижалари

3-жадвал

Мп-МРТ маълумотларидан фойдаланган ҳолда, простата безининг бирламчи трансректал биопсияси натижалари (n = 70)

ПСА миқдори	PI-RADS	Жами n (%)	Аденокарцинома n (%)	HGPIN* n (%)	ПБХГ n (%)
20 нг/мл дан кам	2	3	0	0	3 (100,0)
	3	19	1 (5,26)	2 (10,52%)	16 (84,2)
	4	3	2 (66,7)	0	1 (33,3)
	5	5	4 (80,0)	0	1 (20,0)
	Всего	30 (100)	7 (23,33)	2 (6,66 %)	21 (70)
20,1 нг/мл дан ортиқ	2	2	1 (50,00)	0	1 (50,0)
	3	9	3 (33,33)	0	6 (66,7)
	4	5	5 (100,00)	0	0
	5	24	23 (95,83)	0	1 (4,2)
	Жами	40 (100)	32 (80,00)	0	8 (20,0)

PI-RADS v2. бўйича 4-5 хавфларда ПСА даражаси 20 нг/мл дан кам бўлган гурухларда ПБС 66,7% ва 80,0% холларда, PI-RADS v2. бўйича хавф бир хил бўлгани холда ПСА даражаси 20,1 нг/мл дан ортиқ холатда эса – 100% ва мос равишда 95,8% ни ташкил этган.

Простата безнинг бирламчи “таргет ва трансректал систематик биопсия бирга қўлланилган”да ПБС нинг аниқланиши PI-RADS 4 ва PI-RADS 5 бўлган беморлар орасида 87,5% ва мос равишда 93,1% ни, ўртача 37 дан 91,9% ни ташкил этган.

PI-RADS бўйича хавфи 4-5 ва ПСА даражаси 20 нг/мл кам бўлган беморлар орасида ПБС аниқланиши 75%ни, худди шундай ПСА даражаси ва мп-MPT ўтказилмаган беморларда эса кўрсаткич 35,3% ни ташкил этган, ($p < 0,05$).

Шундай қилиб, PI-RADS.v2 бўйича ПБС хавфи даражасининг аҳамияти ПСА даражасига кўра фарқланади. PI-RADS v2 бўйича 2- ва 3-хавф даражасида, ПСА даражаси 20 нг/мл дан кам бўлганларда ПБС нинг аниқланиши, 36,4% ни ташкил этган ПСА даражаси 20,1 нг/мл дан ортиқ бўлган беморларга нисбатан ўртача 4,5% ни ташкил этган.

Амалиётдан кейин кузатиладиган асоратлар таҳлил қилинганда, қуйидагилар кузатилди. Жами умумий ($n=259$) беморларнинг 10 (3,9%) нафарида ректал қонли ажралма кузатилиб, уларнинг 9 нафарида қисман қон ажралиши дастлабки 2 кунда мустақил равишда тўхтаган, 1 нафарида (0,38%) қон кетиши кучли бўлганлиги сабабли, ректал ўрнатилган Фоли баллонли катетери ёрдамида тўхтатилган. Давомий бўлмаган макрогематурия 41 нафар (15,8%) беморларда биопсиядан кейин дастлабки 24 соат давомида, гематоспермия 17 нафар беморда (7,3%) муолажадан кейин дастлабки 2-3 хафталарда кузатилган, ушбу асоратларни даволаш қўшимча консерватив даво талаб қилмаган.

Мультифокал биопсиядан кейинги инфекция-яллиғланишли асоратлар 7 нафар (2,7%) беморларда ривожланган, улардан ўткир бактериал простатит 6 (2,3%) беморда, 1 нафарида (0,38%) - уросепсис, 1 тасида (0,38%) - ўткир эпидидимит кузатилган.

Сийдикнинг ўткир тутилиши 3 нафар беморда (1,2%) кузатилиб, бир мартали катетеризациядан сўнг баргараф этилган.

Таъкидлаш лозимки, асоратлар частотаси ва оғирлиги “систематик” ва “систематик ва таргет биопсияни” қўллашдан кейин фарқ қилмаган.

ПЖ мультифокал биопсиясини ўтказиш учун оғриқсизлантиришнинг турли усуллари самарадорлиги ва хавфсизлигини қиёсий баҳолаш ўтказилган.

Таҳлилга кўра, лидокаин тутувчи гель ёрдамида анал канали шиллик қаватининг маҳаллий анестезияси фонида бажарилган биопсия амалиёти вақтида беморлар, 10 балли рақамли шкала бўйича ҳисобланганда $4,96 \pm 0,15$ ни ташкил қилган, ўртача интенсивликдаги оғриқни хис қилганлар, 1 ва 2 соатдан кейин оғриқ кучи камайиб, енгил оғриқ сифатида хис қилганлар.

II гуруҳдаги беморлар амалиёт вақтида 10 балли рақамли шкала бўйича ўртача $2,34 \pm 0,13$ ташкил этган енгил оғриқни хис қилганлар, 1 ва 2 соатдан кейин оғриқ кучи камайган ва аксарият беморлар оғриқни сезмаган.

III гуруҳдаги беморлар мужассамлашган анестезия фонида бажарилган амалиёт вақтида 10 балли рақамли шкала бўйича ўртача $2,14 \pm 0,06$ ташкил этган енгил оғриқни хис қилганлар, 1 ва 2 соатдан кейин оғриқ кучи шунчалик камайганки, аксарият беморлар оғриқни хис қилмаганлар. Анестезиянинг турли усуллари самарадорлигини қиёсий баҳолаш натижалари 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

Оғриқсизлантириш усулига кўра мультифокал биопсияни бажаришда беморлар хис қилувчи оғриқ кучини қиёсий баҳолаш

	Маҳаллий vs перипростатик	Маҳаллий vs мужассамлашган	Перипростатик vs мужассамлашган
Амалиёт вақтида	$p < 0.001$	$p < 0.001$	$p > 0.05$
Амалиётдан 1 соат ўтгач	$p < 0.05$	$p < 0.01$	$p > 0.05$
Амалиётдан 2 соат ўтгач	$p > 0.05$	$p > 0.05$	$p > 0.05$

Шундай қилиб, мультифокал биопсия олдидан фақат анал канали шиллик қавати маҳаллий анестезиясини қўллашга ва фақат перипростатик блокадага нисбатан, мужассамлашган анестезия (анал канали шиллик қавати ва перипростатик блокада) хавфсиз ва самарали анестезия усули эканлиги кузатилди.

Лидокаинли гель ёрдамида (Катеджель) анал канали шиллик қавати маҳаллий анестезиясини бажариш вақтида ва анестезиядан кейин беморларда асоратлар кузатилмаган. Перипростатик блокада ва мужассамлашган анестезия бажарилган беморларнинг 22 нафарида (10,5%) юрак қисқаришлар сонининг тезлашиши, 7 нафарида (3,3%) енгил қўрқув пайдо бўлган, ушбу ҳолатлар беморлар билан суҳбат ўтказилгандан кейин бир неча дақиқадан сўнг мустақил равишда йўқолган.

ХУЛОСА

1. ПБ бирламчи трансректал систематик биопсиясидан кейин 59 ёшгача бўлган эркеклар орасида ПБС аниқланиши 37,9% ни ташкил этган, 60-69 ёшда 60% гача ўсган, 70-79 ёшда 73,1% ни ташкил этиб 80 ёшдан катталарда 87% га етган.

ПБ ҳажми $67,47 \pm 2,79$ см³ бўлганда ПБС 65,6% ҳолда аниқланган. ПБ ҳажмининг ортиши билан, ПБС аниқланишида камайишга мойиллик кузатилган.

ПСА миқдори 20 нг/мл дан кам бўлган эркаклар орасида бу кўрсаткич 35,3% ни ташкил этган. ПСА миқдори 20 нг/мл дан юқори бўлган беморларда ПСА миқдори 60 нг/мл дан юқори бўлганларга нисбатан 62,8% дан 97,2% гача тўғри пропорционал тарзда ўсиб борган.

2. ПБ биопсияси маълумотлари билан ПБ БРТ ва ТРУТТ маълумотларининг ахборотлилиги ва мослиги ПСА миқдори 20 нг/мл дан кам бўлган эркакларда ПСА миқдори 20,1 нг/мл дан юқори бўлганларга нисбатан (17,6%) статистик жиҳатдан пастлиги аниқланган (61,6%; $p < 0,001$).

3. ПБ мп-МРТ кўрсаткичлари асосида биопсиянинг бажарилиши саратон аниқланиш кўрсаткичини сезиларли оширади ва PI-RADS бўйича 4 ва 5 хавфдаги эркаклар орасида 87,5% хамда 93,1% га тенг бўлган. Худди шундай хавфда ПСА миқдори 20 нг/мл дан кам бўлган эркаклар орасида ушбу кўрсаткич мп-МРТ ўтказилмаган эркакларга нисбатан (35,3%) 66,7 ва 80% ни (ўртача 75,0%) ташкил қилган ($p < 0,05$).

4. PI-RADS бўйича ПБС хавф даражаси ПСА миқдорига боғлиқ холда фарқ қилади. PI-RADS бўйича 2- ва 3-хавф даражасида, ПСА миқдори 20 нг/мл дан кам бўлганда хамда ТРУТТ ва БРТ бўйича ўзгаришлар кузатилмаганда, беморларда биопсия ўтказмасдан динамикада кузатиб бориш мумкин. PI-RADS бўйича худди шундай хавф даражасида ва ПСА миқдори 20,1 нг/мл дан ортиқ бўлганларда ПБ биопсиясини бажариш мақсадга мувофиқ. PI-RADS бўйича 4-5 хавф даражаларида ПСА миқдоридан қатъий назар, ПБ биопсиясини ўтказиш зарур.

5. ПБ мультифокал биопсияси олдидан анал канали шиллиқ қаватининг маҳаллий анестезияси ва ПБ асоси ва чўққи соҳасининг перипростатик блокадасини бирга қўллаш, оғриқсизлантиришнинг хавфсиз ва самарали усули ҳисобланади. Бунда, анал канали шиллиқ қаватининг маҳаллий анестезиясига нисбатан, биопсия муолажаси вақтида ($p < 0,001$) ва муолажадан 1 соатдан кейин оғриқ интенсивлиги ($p < 0,01$) камроқ бўлган. Самарадорлик эса, мужассамлашган анестезияга нисбатан, фақат ПБ перипростатик блокадасида пастроқ бўлган.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПРИ НАУЧНОМ СОВЕТЕ
DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 ПРИ РЕСПУБЛИКАНСКОМ
СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОМ
МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ ХИРУРГИИ ИМЕНИ АКАДЕМИКА
В.ВАХИДОВА ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ**

ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ

ТУХТАМИШЕВ МУЗАФФАР ХИКМАТХУЖА УГЛИ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПОКАЗАНИЙ И МЕТОДА
ТРАНСРЕКТАЛЬНОЙ БИОПСИИ ДЛЯ РАННЕЙ ДИАГНОСТИКИ
РАКА ПРЕДСТАТЕЛЬНОЙ ЖЕЛЕЗЫ**

14.00.31 – Урология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2019.2.PhD/Tib1004.

Диссертация выполнена в Ташкентской медицинской академии.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.rscs.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель	Гиясов Шухрат Искандарович доктор медицинских наук, доцент
Официальные оппоненты:	Тилляшайхов Мирзаголиб Нигматович доктор медицинских наук, профессор Гайбуллаев Асилбек Асадович доктор медицинских наук, профессор
Ведущая организация:	Клиника Бунданг Чесенг (Республика Корея)

Защита состоится «___» _____ 2021 г. в ___ часов на заседании разового Научного совета при Научном совете DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре хирургии имени академика В.Вахидова (Адрес: 100115, г.Ташкент, ул. Кичик халка йули,10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru, Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр хирургии имени академика В.Вахидова).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра хирургии имени академика В.Вахидова (зарегистрирована за № 126). Адрес: 100115, г. Ташкент, ул. Кичик халка йули, 10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2021 года.
(реестр протокола рассылки №___ от _____ 2021 года).

Ф.Г.Назиров

Председатель научного совета по присуждению
учёных степеней, доктор медицинских наук,
профессор, академик

А.Х. Бабаджанов

Ученый секретарь научного совета по присуждению
учёных степеней, доктор медицинских наук,
профессор

А.В. Девятов

Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению учёных степеней
доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. По данным Всемирной организации здравоохранения «рак предстательной железы (РПЖ) является одним из наиболее распространённых злокачественных новообразований у мужчин, составляет 15% от всех диагностированных раковых заболеваний, с частотой встречаемости 5% в возрасте менее 30 лет, увеличиваясь с коэффициентом вероятности 1,7 за десятилетие до распространённости в 59% (48-71%) в возрасте более 79 лет, и по показателям смертности занимает второе место после рака легкого (1,28 млн летальных случаев в 2018 году)»¹. Согласно прогнозам, к 2030 г. число новых случаев РПЖ в Европе увеличится с 436 000 (по данным за 2012 год) до 590 000, а смертность возрастет со 101 000 (по данным за 2012 год) до 142 500. Также, установлено, что в связи с особенностями клинического течения РПЖ у 40% мужчин в возрасте 60-70 лет не отмечается определенной симптоматики или же проявление имеет ирритативный и/или обструктивный характер, что чаще встречается при доброкачественной гиперплазии предстательной железы и воспалительных заболеваниях половых органов. В связи с этим, в улучшении результатов лечения пациентов с РПЖ, снижении риска метастатического процесса, уровня смертности и социальных финансовых последствий, огромное значение имеет диагностика заболевания на более ранних этапах развития.

В мировой практике проводится целый ряд целевых научных исследований, направленных на разработку новых технологий выявления зональной анатомии и происхождения РПЖ, альтернативных схем систематических биопсий периферической зоны простаты, в том числе с помощью систем прогнозирования с ориентацией на возможность распознавания злокачественности или доброкачественности патологии. Продолжают исследоваться роль и значение биологических маркеров, их классификации, а также числовые рейтинговые и визуальные аналоговые шкалы, используемые при установлении критериев эффективности лечения РПЖ. Особо актуальными остаются вопросы изучения особенностей периферической, вегетативной и сенсорной иннервации органа, что важно для выбора способа и повышения качества и эффективности обезболивания при проведении процедуры трансректальной биопсии простаты.

В настоящее время продолжается широкомасштабная работа по социальной защите населения и совершенствованию системы здравоохранения. В клинической урологии, в частности, в совершенствовании методов диагностики РПЖ достигнуты положительные результаты. В стратегию действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы поставлены задачи по развитию и совершенствованию системы медико-социальной помощи уязвимым

¹ WHO. Global Initiative for Cancer Registry Development. International Agency for Research on Cancer. Lyon: France. 2019. <http://gicr.iarc.fr/en/>

категориям населения для обеспечения их полноценной жизнедеятельности.² Реализация данных задач, в том числе, улучшение качества диагностики РПЖ на ранних стадиях развития путём оптимизации методов трансректальной биопсии простаты является одним из актуальных направлений.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, утвержденных Постановлениями Президента Республики Узбекистан №ПП-3071 от 20 июня 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017-2021 годы» и №ПП-4891 от 12 ноября 2020 года «О дополнительных мерах по обеспечению общественного здоровья путем дальнейшего повышения эффективности работ по медицинской профилактике», Постановлением Кабинета Министров №130 от 6 марта 2020 года «Оснащение медицинских учреждений Республики Узбекистан, оказывающих урологическую и гемодиализную помощь», а также других нормативно-правовых документов, принятых в данной сфере.

